Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 170 (21. 269) 1992 йил 28 август, жума ●

ОБУНАЧИГА СОТУВДА 1 СУМ 50 ТИЙИН КЕЛИШИЛГАН НАРХДА.

ЎЗБЕКИСТОН—УКРАИНА:

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

КУТИБ ОЛИШ МАРОСИМИ.

● 25 август куни Киев шаҳридаги Мария саройида икки мустақил республика — Ўзбекистон ва Украина ўртасида шартнома имзоланди. Президентлар Ислом Каримов билан Леонид Кравчук ўзлари имзолаган ҳужжатлар хусусида зўр мамнуният изҳор қилдилар. Бу шунчаки одоб юзасидан айтилган гап эмас: Ўзбекистон ва Украина давлат делегациялари ўртасидаги музокара натижалари кутилганидан зиёда бўлди, музокаралар самимий ҳамжиҳатлик муҳитида, амалий вазиятда ўтди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақилликка эришган пайтдан буён Ўзбекистон мустақил давлат сифатида кўлгина мамлакатлар билан шартномалар ва битимлар имзолади. Умуман бир битимни иккинчисига қиёслаш, улардан бирини самаралироқ, бошқасининг аҳамияти камроқ деб ҳисоблаш мумкин эмас. Киевда тузилган шартномани ўзга давлатлараро ҳужжатларга қиёсламай дадил айтиш мумкинки, бу шартнома икки давлат сиёсатида алоҳида ўрин тутади.

Биринчидан, Украина ҳам Ўзбекистон ҳам собиқ Иттифоқ ҳудудида пайдо бўлган катта давлатлардир. Иккала мамлакат бир-бирини тенг ҳуқуқли ҳамкор деб ҳисоблайди, уларнинг ҳамкорлиги янада мустаҳкам жипслашишнинг гарови бўлиб қолишига, собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетишидан норози бўлаётган кучларнинг тазйиқига биргаликда қарши туриш имкониятини беришига ишонадилар.

Иккинчидан, иккала давлат халқларининг қадимий тарихи ва маданияти бор. Буюк маънавий қадриятларга эга бўлган бу халқлар қарамликдаги турмуш қийинчиликларини бир хил даражада бошдан кечирдилар. Шундай қилиб, яқин ўтмиш иккала халқни маънавий жиҳатдан яқинлашишга олиб келди. Украин халқининг мустақиллик тўғрисидаги орзулари ўзбек халқининг орзу-умидларига ҳамоҳангдир. Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ёки ғоявий зиддиятлар бўлмаган, аксинча собиқ Марказнинг зўравонлиги давридаги ҳаётда ҳам Ўзбекистон билан Украина бир-бирининг юкини енгиллатишга интилгани ва кўп ҳолларда бунга эришгани ҳозир равшан бўлиб қолди.

Учинчидан, мустақиллик туфайли яна бир ҳақиқат тобора ойдинлашмоқда: Украина — Европа давлати, Ўзбекистон эса — Осиё давлати, қўшни қитъалар миқёсида ўзаро келишилган сиёсатни ўтказишда улар бир-бирларига жуда зарурлиги равшан бўлиб қолмоқда. Украина Президенти Леонид Кравчук шу фикрни лўнда ифодалади: Украина Ўзбекистон учун Европага ўтадиган дарвоза бўлишга тайёр. Ўз навбатида Президент Ислом Каримов Украинанинг Осиёга чиқиши учун Ўзбекистон ҳам дарвоза хизматини ўташга тайёр, деб ишонтирди.

Президентларнинг сўзларида заррача муболаға йўқ. Украина давлатининг Қора денгиздаги ҳамма портлари Европадан Ўзбекистонга келтирилаётган юклар учун очиқ. Ўзбекистоннинг қардош Туркия билан алоқаларни ривожлантиришига Украина давлатининг хайрихохлиги ҳам катта аҳамиятга молик. Ўз навбатида Ўзбекистон ҳам Украинанинг қўшни Туркия билан ҳамкорлигига ижобий таъсир ўтказиши мумкин.

Бошқа мамлакатлардан келаётган юклар тўғрисида гапирмаганда ҳам Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги бевосита алоқаларни, иккала томонга юклар мунтазам жўнатиб турилганлигини унутмаслик керак. Иккала мустақил давлат кўпдан буён ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни бошлаб юборган. Президентлар Ислом Каримов билан Леонид Кравчук имзолаган шартнома бу ҳамкорликни расмийлаштирди.

Ўзбекистон билан Украина ўртасида тузилган Шартнома давлатлараро муносабатларнинг ҳамма соҳаларини қамраб олади. Бу шартнома тўла ва муфассал ишлаб чиқилган ҳужжатдир. Унда жаҳоншумул муаммолардан тортиб, майда-чуйда тафсилотларгача — барча масалалар акс этган. Чунончи, бир давлатда берилган дипломнинг бошқа давлат ҳудудида ҳақиқийлиги масаласи ҳам акс этган. Мамлакатлар ўртасидаги маънавий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, хусусан илм-фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлик ғоят истиқболлидир.

Энг муҳими шундаки, жуда кўп одамларнинг меҳнати ва тажрибаси натижасида тайёрланган бу муҳим давлатлараро шартномани амалга ошириш йўлида ҳеч қандай ғов йўқ. Ўзбекистон билан Украина ўртасида тенг ҳуқуқлилик, ҳалоллик ва ўзаро ҳурматга асосланган давлат алоқаларининг мустаҳкам анъаналари мавжуд.

Шартнома имзоланганидан сўнг Президент Каримов мухбирлар билан қисқача учрашув чоғида ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги муносабатлар ҳамиша дўстлик ва ҳамжиҳатлик қоидаларига асосланганини таъкидлади. Юқорида айтганимиздек, бу сўзларда ҳам муболаға йўқ — воқеликнинг эътироф этилишидир. Сафар чоғида Ўзбекистон раҳбарига олий мартабали меҳмонларга хос ҳурмат бажо келтирилди. Украина ва украин халқининг Ўзбекистонга, ўзбек халқига самимий ҳурмати ҳар қадамда сезилиб турарди.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги дўстлик ва иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболи порлоқлигига шубҳа йўқ. Киев шаҳридаги учрашувдан чиқарилган асосий хулоса шуки, иккала мамлакат бир-бирига жуда зарур, бунга иккала томон ҳам ишонади. Қадим замонлардан ҳозирги пайтгача Украина ва Ўзбекистон халқлари ҳаётида муштарак жиҳатлар кўп бўлган. Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик нақадар тез ва самарали ривожланса, улар ўз мустақиллигини шу қадар тез ва муваффақиятли мустаҳкамлай оладилар. Бу ҳақиқатни Президент Ислом Каримов ҳам, Президент Леонид Кравчук ҳам яхши англаб олдилар.

И. ГРУШКО,
А. СИРОЖИДДИНОВ,
М. ХУЖАЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Ҳужжатларни имзолаш пайти. (ЎзА).

Украина Республикаси Президентининг Фармони

И. А. КАРИМОВНИ УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЭҲТИРОМ ФАХРИЙ НИШОНИ» БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатлараро муносабатларни, Ўзбекистон ва Украина халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашдаги алоҳида хизматлари учун **қарор қиламан:**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич **Каримов** Украина Президентининг «Эҳтиром фахрий нишони» билан мукофотлансин.

Украина Президенти

Л. КРАВЧУК.

Киев шаҳри,
1992 йил 25 август.

СУРАТЛАРДА: 1. Украина Президентининг украин тилидаги Фармони. 2. «Эҳтиром фахрий нишони».
Р. ШАГАЕВ олган суратлар. (ЎзА).

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи— халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир.

(«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИДАН).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини газетамизда эълон қилишни давом эттирамиз.

(Иккинчи бетга қаранг).



ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ ЯНГИ ТАРМОҒИ

ҚЎШМА КОРХОНА ҲАҚИДА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Битимлар бўладики, мангуликка эса қолади. Яқинда мустақил республикамиз пойтахтида имзоланган битим ҳам ўз аҳамиятига кўра изли-қутли бўлишига сира шубҳа йўқ. Уни Жанубий Корея ва Ўзбекистон томони вакиллари имзоладилар.

Ушбу битимнинг юзага келишидаги воқеани эслаб ўтиш жоиз. Яқингинада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Корея сафарида бўлганида «ДЭУ» автомобилсозлик корпорацияси фаолияти билан қизиқиб танишгани кўпчиликка маълум. Сафар чоғидаги суҳбатлардан муборак из қолди. Жанубий Корея автомобиль ишлаб чиқариш корпорацияси Ўзбекистоннинг Асака шаҳрида қўшма корхона барпо этиш истагини билдирди.

Икки давлат мутахассислари биргаликда автомобиль ишлаб чиқаришга келишиб олишганди. Ўша келишувдан кейиноқ Корея ва Ўзбекистон мутахассислари жадал ишга киришдилар. Натижада тарихда мисли кўрилмаган қисқа фурсатда — атиги 40 кунда давлатлараро бир фикрга келинди: Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарадиган қўшма корхона барпо этиш юзасидан битим тайёрланди ва имзоланди.

Автомобилсозлик қўшма корхонаси барпо этиш ҳақидаги ҳужжатни Жанубий Корея корпорацияси вице-президенти Ян Нам Ванг билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобилсозлик давлат концерни раиси А. Юсупов имзоладилар.

Битимда йил сайин 180 минг дона турли автомашиналар ишлаб чиқарадиган заводни Андижон вилоятининг Асака шаҳрида қуриш таъкидланган. Янги корхона трактор прицеплари ишлаб чиқарувчи завод базасида барпо этилади. Таъкидланишича, қўшма корхона фаолият кўрсата бошлагач, Ўзбекистон Республикасининг кўпгина ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал этишга баракали хизмат қилади.

— Бугун — биз учун тарихий кун, —деди «ДЭУ» корпорацияси вице-президенти Ян Нам Ванг, — Аслида Ўзбекистон автомобилсозлиги учун замин яратилди. Лекин қўшма корхона конвейеридан дастлабки автомобиль чиқиши учун кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади.

Қўшма корхона енгил автомобиллар, чоғроқ юк машиналари, жажжи автобуслар ва фургонлар тайёрлаб чиқарадиган бўлади. Яқин вақт ичида Ўзбекистон автомобиллар ишлаб чиқарадиган етакчи давлатлар қаторидан ўрин олади, дейишга энди ҳақлимиз. Бунинг учун зарур омиллар бор. Шулардан бири — Асака корхонасида энг замонавий технологиядан кенг фойдаланиш кўзда тутилаётганидир.

Маълум бўлишича, завод қувватлари уч босқичда ишга туширилади. Мавжуд цехлар таъмирланади. Янгидан 4 та цех ишга туширилади. Аввал йиғув ишлаб чиқариши фаолият кўрсата бошлайди. Мотор ва трансмиссиялар тайёрлаш ўзлаштирилади. Шу тарика Ўзбекистон ўз автомобилсозлик корхонасига эга бўлади.

Жўра ХОЛҚОСИМ.

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ—РЕСПУБЛИКАМИЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ БАЙРАМИ

● Ўзбекистон халқи озодликка эришганига бир йил бўлди. Ўзбекистон Республикасининг янги санаси бошланди. Биринчи сентябрда мустақиллигимизнинг бир йиллигини нишонлаймиз. Бу кун она-Ватанимиз тарихига олтин ҳарфлар била ёзилгусидир. Бу кун бизнинг энг ардоқли миллий байрамимиз бўлиб қолади. Илк бор нишонланаётган ана шу истиқлол байрами арафасида мухбиримиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби Маҳмуджон Мўминович РАСУЛОВГА саволлар билан мурожаат этиб, озод, мустақил республикамиз қутлуғ бир йиллигида босиб ўтган йўл ҳақида ўз фикрларини муштарийлар билан баҳам кўришни илтимос қилди.

— Маҳмуджон Мўминович, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб ўтказиладиган байрам тантаналарининг моҳияти нимада деб биласиз?

— Маълумки, байрам тантаналари «Мустақиллик, тинчлик ва ҳамкорлик» шиори остида ўтади. Ҳар биримиз учун қадрли бўлиб қолган бу тушунчаларнинг байрам шиорига айланганлиги тасодифий эмас. Бу даъват республикадаги барча аҳолининг орзу-умидларига, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашини истовчи, тинчлик, ҳамжиҳатлик ва фаровонлик ҳар бир оилага, ҳар бир хонадонга насиб этиши учун интилувчан яхши ниятли кишиларнинг мақсадларига жавоб беради.

Ушбу байрам Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун, шубҳасиз, катта аҳамият касб этади. Чунки, байрамни ўтказишдан кўзланган мақсад партиямиз ғояларига тўла ҳамоҳангдир.

Партиямиз тузилган пайтидан бошлабоқ у ҳар бир инсонга ҳаёт кечириш тарзини эркин танлаш имкониятини кафолатлаб берувчи жамиятни республикада бунёд этишни ёқлаб чиқди. Биз ҳар бир муайян инсоннинг, бутун халқнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан, ижтимоий адолатга асосланган давлат сиёсатининг тарафдоримиз. Бу сиёсат «Оила равнақи — давлат равнақи» деган қоидага асосланиши керак.

Бунга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқаролар тинч-тотувлиги, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, истиқлол ғоялари атрофида бутун жамиятимизни жипслаштириш зарурдир. Бу — бошлаб қўйилган ислоҳотларни муваффақият билан амалга оширишнинг муҳим шарти ҳамдир. Биз бўлажак байрамга худди шу нуқтаи назардан қараяпмиз.

— Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлидан ривожланиб боришнинг дастлабки якунларига қандай баҳо берасиз? Унинг асосий натижа ва сабоқлари нимадан иборат?

— Тарих нуқтаи назаридан бир йилнинг ўзи катта муддат эмас, албатта. Аммо ўтган йил воқеаларга шу қадар бой бўлдики, уларнинг аҳамияти республиканинг келажаги учун бебаҳодир.

Мен, аввало, янги, Ўзбекистон Республикаси деб номланган мустақил давлатнинг вужудга келишини ўтган қисқа вақт ичида қўлга киритилган энг катта ютуғимиз, деб биламан. Давлат бошқарувининг тамомила янги тизими шаклланмоқда. Унинг ўзаги — президентлик бошқаруви усулидир. Республикамиз давлат суверенитетини таъминлайдиган ҳокимият тузилмалари пайдо бўлмоқда. Марказий иқтисодий идораларнинг вазифалари тубдан ўзгармоқда. Маҳаллий ҳокимият қайта ташкил этилиб, вилоят, шаҳар ва районларда ҳокимлик жорий этилди. Бу ўзгаришлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг давлат қурилишига доир ғояларига тўла мос тушмоқда. Партиямиз раиси Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти этиб умумхалқ сайловларида сайланганлигидан биз жуда хурсандмиз ва бу нарса бизга қандай масъулиятлар юклашини яхши биламиз.

Навқирон Ўзбекистон бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг субъекти. Уни 140 тадан ортиқ хорижий давлат расман тан олди, шундан 45 таси билан элчихоналар айирбошлаш тўғрисида битимлар тузилди. Тошкентда биринчи хорижий элчихоналар очилди.

(Давоми иккинчи бетда).

ИСТИҚЛОЛ ДОРИЛФУНУНИ

1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига хос шароитидагина ижобий натижа беради.

Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда **ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир.** Бу — ўтмиш йилларнинг хатоларини, давлат тузишнинг шакл ва усулларига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир. Бу — таркиб топган ижтимоий воқеликка берилган реал баҳодир. Бу — Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилишидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш — танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир. Одамларнинг онги ва турмушига ўнлаб йиллар мобайнида, кўпинча зўравонлик йўли билан сингдирилган нарсаларни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас. Бунинг учун ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга барҳам бериш билан жамиятни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига одамларнинг ўзини ишонтириш, ҳаракатга келтирувчи кучларни ва меҳнатнинг рағбатлантирувчи омилларини ўзгартириш мумкин.

(Давоми. Боши газетанинг 27 август сонида).

8.

Мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлиги, уларнинг ўзига хос хусусияти бу муаммоларни ҳал этишга алоҳида ёндашувни тақозо этади. Турмуш шароити ва тарзининг миллий хусусиятлари Шарқ маданиятига мансублик ҳам шуни талаб этади.

Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Аввало, у **аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади.** Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Қатталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром—Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир. Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш чоғида ислом динини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришда ис-

9.

ломга эътиқод қилувчи халқлар билан яқинлашиш истагида ҳам шу омил намоён бўлмоқда.

Мазкур минтақанинг қадимий тарихи ва маданияти, бунда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари ва файласуфларининг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят катта ҳиссалари ҳам бу ерда яшаётган одамлар турмушининг барча томонларига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда.

Республикадаги ўзига хос демографик вазият—ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Жумҳуриятимизда аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳар йили юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди ва асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Аҳоли таркибида 60 фоиздан кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлардир.

Ўз аждодлари қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойиллиқнинг йўқлиги республика аҳолисига хос хусусиятдир.

Республиканинг яна бир хусусияти — **миллий таркибининг ўзига хослигидир.** Этник таркибда туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Шу билан бир вақтда республика ҳудудида ўз маданияти ва анъанасига эга бўлган юздан зиёд миллат вакиллари яшаб турибди. Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят ранг-баранглиги миллий ўзлигини анг-

10.

лаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради.

Республика қулай геостратегик мавқега эга. Тарихан ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳудуди шундай жой бўлганки, бу ерда жуда кўҳна савдо йўллари (машҳур Буюк ипак йўли) туташган, жўшқин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши жараёни кечган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ўзининг мустақил энергетика ва сув тизимларига эга бўлган собиқ совет Ўрта Осиёсининг марказида турибди, кўпгина масалаларда республикалар ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилмоқда ва хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда тобора фаол роль ўйнамоқда.

Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга ошириш **йўллари ва ёндашувларини танлашга табиий-иқлим шароитларининг ўзига хослиги белгиловчи таъсир ўтказмоқда.** Республика қишлоқ хўжалиги аксарият сунъий суғоришга ва суғорма деҳқончиликка асосланади. Ўзининг сув имкониятлари жуда чекланган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, бутун халқ хўжалиги таркибида пахтачилик етакчи ўрин тутади. Ўзбекистон мустақил Ўрта Осиё республикалари орасида ғоят катта экспорт имкониятига эга бўлган жуда муҳим стратегик хом ашё — пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотни етиштирувчи ҳамда

(Давоми бор).

11.

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ—РЕСПУБЛИКАМИЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ БАЙРАМИ

[Давоми. Боши биринчи бетда].

Яна бир қувонарли нарса шуки, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа обрўли халқаро ташкилотларга қабул қилинди. Республика раҳбариятининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти пухта ўйлаб, вазминлик билан, ўз қадр-қимматини йўқотмай, ишонч ва очиқ кўнгиллилик руҳида, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатли асосда қўйилаётган қадамлар эканлиги билиниб турибди. Табиийки, бундай сиёсат жаҳон жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

— Республикамизнинг халқаро обрўсини ошириш борасида қилинаётган ишлар ва бунда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳиссаси тўғрисида батафсилроқ гапириб берсангиз!

— Аввало, шуни таъкидлаб ўтишим керакки, баъзи бир ҳеч нарсага ишонмайдиган кишилар башорат қилганларидек, мустақилликка эришган Ўзбекистон бошқа давлатлардан ажралиб, яккаланиб қолмади. Аксинча, у жуда кўп давлатлар билан икки томонлама алоқаларни ўрнатишга муяссар бўлди. Чунончи, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Корея Республикаси билан дўстона муносабатлар ва амалий ҳамкорлик ўрнатилди.

Ўзбекистон ўзининг принципиал ва изчил сиёсати туфайли Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида борган сари сезиларли роль ўйнамоқда. Республиканинг ташаббуси билан бир қатор муҳим сиёсий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мен бугунги кунда ҳаммамизга яхши маълум бўлган «Тошкент руҳи»нинг, Ўзбекистон минтақамизда кўп йиллар давомида ўйнаган ролнинг қайта тикланаётганлиги шоҳиди бўлиб турибмиз, деб айта оламан.

Республикамиз раҳбарияти юргизаётган ташқи сиёсий йўл — Ўзбекистон халқларининг манфаатларига тўла жавоб берадиган йўлдир. Партиямиз уни бутунлай қўллаб-қувватлашни, бу сиёсатга нисбатан жамоатчиликда ижобий фикр туғдиришни ва амалга оширишга кўмаклашишни ўз вазифаси деб билади.

Шу билан бир қаторда биз ўзимиз ҳам халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида дастлабки қадамлар қўймоқдамиз. Хусусан, партиялараро алоқалар даражасида дўстликни мустаҳкамлашга қўлимиздан келганча ҳисса қўшишга ҳаракат қилаяпмиз. Чунончи, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Туркия, Ҳиндистон, Туркманистон, Қозоғистон ва бошқа давлатларнинг дастурий мақсадлари жиҳатидан бизга яқин бўлган сиёсий партиялари билан ўрнатилаётган алоқалари яхши истиқболга эгадир. Германия Социал демократик партияси раҳбарлари билан бўлган учрашувларимиз ҳам фойдали бўлди. Умуман олганда, биз бу ишларни партиямиз обрўсини ошириш учун муҳим, деб биламиз ва бундан кейин ҳам мана шу йўлимизни давом эттирамиз.

— Булар — ташқи сиёсат соҳасидаги ишлар. Сизнингча, Ўзбекистоннинг мустақиллиги унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига нималар берди!

— Мустақиллик бизга, биринчи навбатда, ички сиёсат масалаларида ўзининг йўлини белгилаб, уни амалга ошириш, ўз табиий бойликларимиз ва халқимиз меҳнати билан яратилган моддий ҳамда маънавий бойликларнинг ҳақиқий эгаси бўлишимизга имкониятлар яратиб берди.

Ушбу сиёсатнинг бош йўли — бозор муносабатларига ўтишдир. Биз бу нарсанинг объектив зарурат эканлигини яхши тушунамиз. Шу билан бирга бозор иқтисодиётига ўтишнинг халқимиз манфаатларига зид бўлган йўлларига қаршимиз.

Жуда оғир шароитларда иқтисодий ислоҳотларни бошлаб юборган республика Президенти ва ҳукумати меҳнатни рағбатлантириш ва аҳолининг моддий жиҳатдан яхши таъминланмаган табақаларини давлат томонидан муҳофазалаш масалаларига алоҳида эътибор бераётганликларидан биз жуда мамнунмиз. Хусусан, халқимизни боқаётган, саноатимизни хом ашё билан таъминлаётган деҳқонларга, қишлоққа катта эътибор бераётганлиги таҳсинга лойиқдир. Биз барча мулк шаклларининг тенглигини таъминловчи, ишбилармонликни ва шахсий ташаббусни қўллаб-қувватловчи сиёсатни, албатта, маъқуллаймиз.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир фармонлар ва қарорларнинг амалга оширилишига партиямизнинг барча ташкилотлари фаол равишда ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар маҳаллий ҳокимият идоралари билан биргаликда мазкур қонунларнинг бажарилишини, давлат ёрдами бунга муҳтожларга етиб боришини назорат қилмоқдалар. Ўзлари ҳам баҳоли қудрат хайрия тадбирлари ўтказиб, халқимизнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

— ХДП — парламент усуллари ёрдамида ишлаш тарафдоридир. У сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинишига қонун чиқарувчи ҳокимият органларида, шу жумладан республика Олий Кенгашида бўлган ўз вакиллари орқали таъсир ўтказа олади. Сиз партиянинг мана шу йўналишдаги саъй ҳаракатларига қандай баҳо берасиз!

— Партиямиз ишнинг парламент усулларига таянажагини эълон қилар экан, бу билан у ўзининг фуқаропарварлик, халқпарварлик хусусиятларига эга эканлигини республика Конституцияси ва қонунларига риоя этишни таъкидлайди.

Ҳокимият идораларидаги вакилларимиз амалда нима қилишлари мумкин? Ўзбекистон Олий Кенгаши X сессиясининг якунларига мурожаат қилайлик. Сессия ХДП депутатлари гуруҳи барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳукуматнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини қаттиқ туриб қўллаб-қувватладилар. Бу билан улар республикамиз аҳолиси барча табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилдилар.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида бюджетларни, ижтимоий дастурларни тайёрлашда, Қонун ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилиб боришда кўпгина ХДП депутатлари гуруҳларининг фаолияти жонланиб кетди.

Бухоро, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари партия ташкилотларининг маҳаллий ҳокимият идоралари билан амалий алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Улар ҳаётий муҳим сиёсий, иқтисодий, маданий масалаларни ечиш ва кадрлар масаласида ҳамкорлик қилмоқдалар. Маслаҳатли тўй тарқамас, деган халқ нақлига риоя қилиниши яхши самара бермоқда.

Афсуски, ҳамма ерда ҳам иш шу тариқа боряпти, деб бўлмайди. Партия аъзолари бўлган депутатлар, меҳнаткашлар ХДП Марказий Кенгаши олдига қуйидаги масалаларни, яъни партия аъзолари бўлмиш раҳбарларимизнинг ҳаммаси ҳам фуқароларнинг ташвишларига етарли эътибор қилмаётганликлари, баъзилари эса халқ билан маслаҳатлашиш лозимлигини унутиб қўйганликлари тўғрисидаги масалаларни қатъий қўймоқдалар. ХДПнинг раҳбар органлари мана шундай одил фикрлардан тегишли хулосалар чиқара бошладилар. Бу масалада биз қатъий турамиз. Партия ва унинг аъзолари учун сийлов бўлмайди. Биз ХДПда тайёрланган ва кишилар учун ҳаётий муҳим бўлган лойиҳалар қонунларга айланиши учун ҳали кўп ишлашимиз керак. Бизнинг депутатлик қабулхоналаримиз одамларга чиндан ҳам ёрдам бера олишлари тўғрисида гапириб берди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлатчилигимизни мустаҳкамлаш масалаларига муҳим эътибор бериб келаётганлиги таҳсинга сазовор, — деди Ўзбекистон Республикаси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бўлим мудири академик М. М. Хайруллаев. — Бу муаммоларни ҳал этишда барча ижтимоий фанлар вакиллари фаол қатнашмоқлари керак. Зеро бу фанларнинг инсон дунёқарашини шакллантиришга, таълим-тарбия ишларига таъсири бениҳоя катта.

Шундан сўнг сўз олган ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор О. Ф. Файзуллаев, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор И. Ж. Жалилов, республика прокуратура ходимлари малакасини ошириш маркази раҳбари, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди М. М. Мирҳамидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи консультанти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Ҳ. Т. Одилқориев, ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. А. Азизхўжаев давлатчиликни мустаҳкамлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Тошкент давлат юридик институти кафедра мудири, доцент Х. Б. Бобоев Ўзбекистонда кучли президентлик бошқарувини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бўлим мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор У. Ч. Чориёров эса республика парламентини ихчамлаштириш мақсадга мувофиқлигини таъкидладилар.

Олимларнинг давра суҳбати якунида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, республика Конституция комиссияси эътиборига ҳавола этилиши маълум қилинди. Қизғин ва амалий руҳда ўтган давра суҳбатида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари А. Х. Саидов ва И. А. Кочмарик, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Ҳ. М. Абдураимовлар қатнашдилар.

А. РУЗИЕВ.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида

ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Мустақил Ўзбекистонимиз ўз миллий давлатчилигининг тўнғич йилини тантанали нишонлаш арафасида. Кўҳна ва ҳамиша навқирон диёримизда аждодларимизнинг чинакам эркин мустақил давлат яратиш ҳақида асрлар оша қилган орзуси рўёбга чиқмоқда. Тўйга тўёна билан деганларидек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам республикамиз давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдондаги обрўсини ошириш, Ўзбекистон халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш, сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланиш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Партия ўз дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўзбек давлатчилиги тараққиёти истиқбол йўлларини аниқлашда амалий тадбирлар кўрмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида «Мустақил Ўзбекистон давлатчилигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш муаммолари» мавзусида республикамиз етакчи ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, социолог ва файласуф олимлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов партиянинг республика ва халқ манфаатлари йўлида олиб бораётган ишлаётган ва ишончли таянчига айланиши учун ҳам ҳали кўп меҳнат қилишимиз керак.

Фаолиятнинг парламент усули деган тушунча ХДПнинг муҳим томонларидан бирини акс эттиради, зеро, бу партия халқ демократияси партиясидир. Мустақил Ўзбекистон фуқароларининг туб манфаатларини сиёсий жиҳатдан ифодалашда, ҳимоя қилишда ва амалга оширишда барча конституциявий йўллардан ҳамда воситалардан фойдаланишга бел боғлаган партиядир.

— ХДП ўз таркибига кўра байналмилал партиядир. Унинг сафларида аҳолининг турли-туман ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг вакиллари бор. Шу муносабат билан сиз партиянинг жамиятдаги бирлаштирувчилик вазифасига қандай баҳо берасиз!

— Дарҳақиқат, республикамиз каби Халқ демократик партияси ҳам кўпгина миллатлар вакилларини бирлаштиради. Партиямиз бу билан ўзбек халқига хос бўлган анъанавий миллатлараро аҳилликкa, дўстликка, ўзаро ҳамкорликка мойиллигини намойиш этмоқда. Баъзи одамлар «байналмилал» (интернационал) сўзидан, тушунчасидан чўчийдиган бўлиб қолганлар, лекин бу тушунчанинг ўзбек ва бошқа миллатларнинг камситилганлигида нима айби бор? Айбдор — маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унинг югурдакларидир. Партиямиз Дастурида айтилганидек, Ўзбекистонда байналмилалчилик тўғрисидаги тушунча жонажон республикамизнинг мустақиллигини ва фаровонлигини таъминлашдек асосий мақсадимизга жавоб беради.

ХДП аъзолари ўзларининг самарали меҳнатлари ва ибратли одоблари билан меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, маҳаллаларда ва, умуман кундалик ҳаётда миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳурматнинг асл моҳиятини ҳимоя қилмоқдалар. Учрашувларда бизга кўпинча: турли миллатларни бир-бирига қарши қўйишга, улар ўртасида душманлик уруғини сочишга интилаётган кимсалар мустақиллигимиз душманларидирлар деб айтмоқдалар. Бу — ҳақ гап.

Бизда байналмилал тарбияга, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликка етарли эътибор бериб келаётган ташкилотлар оз эмас. Яқинларимиз ва маъноий қадрдонларимиз ҳам ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳасини ҳамма ишлаётган ишлаётган ишлаётган

Янги шеърлар

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ИЖОДХОНАСИДА

СИРЛАШУВ, БЕЛЛАШУВ, ЭЛЛАШУВ МАЙДОНИ

Азиз дўстлар!

Назаримда бугун Сиз билан биз қасрларнинг ёпилган эшиклари очилаётган, жонимизга малҳам ҳаволар кириб келаётган бир дориломон кунларда яшаяпмиз. Одамзоднинг руҳий имконияти, куч-қудратининг чек-чегараси йўқдир. Фақат бу имкониятлар кимдадир қандайдир таъсирлар сабаб куртаклайди, очилади. Кимдадир шундай сабабларга дуч келмагани боисми яширин қолади. Ўнмай-ўсмай ҳазон бўлади.

Мана шу маънода «Ўзбекистон овози»нинг бир вақтлардаги «Ёзувчи ижодхонасида» саҳифаси жуда кўп ижодкорларнинг истеъдод чечакларини гул очмоғига туртки бўлиб уларни эл ўртасига чиқарган қутлуғ даргоҳлардан бири бўлган эди. Ишончим комилки, дарвозаларини қайта очган бу даргоҳ бугун ҳам ижод аҳли орасида сирлашув, беллашув, эллашув майдонига айланажак. Биз бу майдонларга шундай таъсирлар, сабоқлар орқали кириб келган эдик.

Умид қиламанки, бизнинг ҳам бугунги камтарин таъсирларимиз кимнингдир юрагида мудраб ётган катта руҳий имконият, истеъдод чечакларини очиб юборса...

Газета таклифидан фойдаланиб, жумҳуриятимизнинг заҳматкаш халқини, унинг Биби Фотиманинг мўмин қушларидай дилбар аёлларини Мустақиллигимизнинг бир йиллиги, ҳурлик ҳайити билан табриклайман.

Бош-устимиздаги унчаям енгил бўлмаган эрк байроғи ҳурлик туйғумизни озод қўтариб тик яшамоғимиз учун Сизнинг ҳар бирингизга Худонинг ўзи илоҳий куч-қудрат берсин.

Мен саҳарлар туриб қиладиган қироатларимда Оллоҳдан дилимга, тилимга, элимга подшоҳлик сўрайман. Оллоҳнинг эса карами кенг... Шояд йиғлаб қилган мана бу янглиғ илтижоларимиз Ўзига етган бўлса...

Қат-қат ярадор тизим
О эрк, беҳиштий сезим
Тиз чўкмай ўсса қизим
Ўлим кулар эҳтимол...

Сизларга чуқур эҳтиром билан

Ҳ. Ҳалимова

27. VIII. 92.

Бугун туркка не керакдир

Бугун туркка не керакдир
Чуқур англар онг керак
Гўдаклари эртанги кун
Таратажак донг керак

Гарчанд ҳар кун юки ортар
Аробаси дилни ўртар
Отни тинмай олдга тортар
Бир ёвқур султон керак.

Бор узилган қил керак.
Бор кўнгил, чил-чил, керакдир
Бор кесилган тил керакдир —
Бор бутун иймон керак.

То Турон заминда турк бор
Ўлмагай ор, ўлмагай ор.
Жон эмас, эркка талабгор
Эрк учун қурбон керак.

Тилларидан учмагай оҳ
Кул-гул бўлур зиндону, чоҳ
Фақат бор туркка бир оллоҳ
Биттадан Қуръон керак.

4. VIII. 92.

Қизил тошлар...

Хотирамнинг чўлига чиқсам
Қизил тошлар ўтаверади
Қони чак-чак томиб ерларга
Кесик бошлар ўтаверади.

Бошлар билан ора бир қадам
Бошсиз танлар хунук саланглар
Суғурилган тиллар орқада
Илонлардай сапчир биланглаб.

Тўрт мучаси бутун ҳам бордай
Фақат бежо, жунунвор кўзи,
Бири Чўлпонгами ўхшардай
Бири Усмон, Усмоннинг ўзи...

Кир, беқасам тўнин итқитиб
Гоҳ йиғлар у, гоҳ гуллаб кулар
Бирдан... не бор селдай йиқитиб
Бир кўча қон шовуллаб келар.

Қизаради юлғун, шўралар
Қизил тошлар қизиб чинқирар
Бир фиғон бу тошлар оралаб
Бор дунёни бузиб чинқирар.

Умримнинг тун, кечаларидан
Уйқу билмай ўтсам қанийди
Хотирамнинг кўчаларида
Қон исидан кўнглим айнийди...

Тузум, Сенинг ёқангда қўлим
Кундузлар ҳам чўчиб мизғийман.
То келгунча халоскор ўлим
Хотирам чўлида изғийман.

6. VIII. 92.



Болалар англар

Курагимда тиғ изи — азоб
Товонимда мих изи — азоб
Йиқилмайман юз тубан, чунки
Юрагимда туғ изи — гулоб.
Чунки менам қасам ичувдим
Ёв ортимдан ханжарин сунгач
Қўлимни ёв қонида ювдим
Тўмарисга сарбоз тутингач.
Туғ асраган юрагим додлар
Қўлларимни қасос қонлаган.
Чунки Турон заминда ётлар
Молларини хўп арқонлаган.

Туркнинг қири, қиёқларининг
Жаннат чечагидай иси бор
У молларнинг туёқларининг
Елкамизда ўйиқ изи бор.
То яшаркан ўйилган бонглар
То яшаркан сўйилган бонглар
Қандай яшаш кераклигини
Болалар англар!
Менн эса...
Курагимда тиғ изи — азоб
Юрагимда туғ изи — гулоб...

4. VIII. 92.

Қийиқдай бу қиз жон озуғи..

Овози ҳам кўзидан келар.
Г. ЛОРКА

Овози ҳам кўзидан келар—
Хуштаъмлиги сўзидан келар
Кетди деманг кетган онани
Келаётган қизидан келар —

Келар тиниқ бир сувлар ҳали
Сирли, ширин ғулувлар ҳали
Ман-ман деган сулувлар ҳали
Бу қизчанинг тизидан келар.

Тутқич бермас кийик — ишқ, овда
Илдизлари улкан, тик товда
Ёнавермас ҳар хил оловда
Сокинлиги музидан келар

Кийиқдай бу қиз жон озуғи
Бир Мажнуни нолон озуғи
Манглайи шўр бўлмас. Ёзуғи
Ўзи сепган тузидан келар.

4. VIII. 92.

Ҳаёт майдонларида

Отлар улоқ чопар бу майдонларда
Ётлар улоқ чопар бу майдонларда.

Ё, Али! Куч, нажот тилаб Алидан
Ёдлар улоқ чопар бу майдонларда.

Учқур суворийни четлатиб, суриб
Мотлар улоқ чопар бу майдонларда

Учқур суворийнинг учмай — кўнгли ер
Додлар улоқ чопар бу майдонларда.

Ўзидан ўзганни жарга қулатиб
Шодлар улоқ чопар бу майдонларда

Мендек дарди ичда, айтар тили йўқ
Отлар улоқ чопар бу майдонларда.

4. VIII. 92.

Ўз топгин

Ағёри кўп дунёда
Битта содиқ дўст топгин
Дардинг зиёд-зиёда
Айтмоққа шарҳ, сўз топгин.
Қонлаб қирни, қиёни
Лолалансин товонинг
Излаб, бу кўр дунёни
Кўрадиган кўз топгин.
Умр оқиб кетар об
Кўзинг ёпар, бўлсанг соб
Ёлғиз ўтма, ўғил топ
Ё биргина қиз топгин.
Тўқ тўймайди, ёпма тўн
Оч олдида ошга дўн
Очга бир кафтгина ун
Ё бир сиқим туз топгин.
Ерга йиғла ҳолингни
Кўкка йиғла ҳолингни
Отингни сот, молингни
Ёт кўп, Сен бир ўз топгин.
Ўтар-кетар дунёда
Тўзғиб ётар дунёда
Олиб-сотар дунёда
Битта согмас дўст топгин.

3. IV. 92.

Султон, бугун юртга қайтмоғингиз зеб...

Шароф Рашидовга

Фаровон юрдингиз... Султон, фикрли
Бошингиздан тортди ўлаксахўрлар
Қабрга кирдингиз... судраб, чиқориб
Лошингиздан тортди ўлаксахўрлар.

Шан юрдингиз... элни суймоқлик учун
Боқиб жамолига тўймоқлик учун
Заҳру-қотилини қуймоқлик учун
Ошингиздан тортди ўлаксахўрлар.

Аслида бу дунё кимдан қолмаган
Кимдан ўтказмаган, кимдан олмаган
Минг хоин тиришиб қўзғатолмаган
Тошингиздан тортди ўлаксахўрлар.

Изғишиб чиқдилар ғордан, кападан
Оёқ остдан чиқди, тушди тепадан
Битта мунглиғ демай Хурсан опадан
Йўлдошингиздан тортди ўлаксахўрлар.

Тортдилар бегуноҳ ўғил-қиздан ҳам
Сор бургутдай қулаб кетганингиз дам
Чўқиб, чўқиб қўрқиб мурдангиздан ҳам
Тўшингиздан тортди ўлаксахўрлар.

Бугун,
Султон юртга қайтмоғингиз қандай зеб
Бугун куйиб, доғда ўлаксахўрлар
Бугун «Сен тортгандинг, мен эмас, сен», — деб
Бир-бирин тортмоқда ўлаксахўрлар.

7. VIII. 92.

Бу шовқинзор ораламаб...

Кўнглимда чопаётган
Соатларнинг шовқини
Кўнглимда тош-тош қотган
Тоқатларнинг шовқини

Сувга айтиб тушларни
Ўзни сокин ушларман
Кўнглимда бир қушларнинг
Бир отларнинг шовқини,

Кеч келди эл азони
Аёл элнинг арзони

Ўзн хазон-у, жони
Пўлотларнинг шовқини.

Ғам дарёсига ботган
Заҳар тотгани тотган
Ҳар куни синаётган
Қанотларнинг шовқини.

Ҳеч ким сезмай қолади
Бир кун аршга етганим
Бу шовқинзор ораламаб...
Додлаб ўтиб кетганим!

5. VIII. 92.

Ошиғлиғда...

Ошиқлиғда ҳеч ким Сизу-биза етолмас
Бир ингохдан бори аён сўза етолмас.

Кўклам ғўр қушчалар билан чулдирайверсин
Дил топмоқда ҳеч ким маъюс куза етолмас.

Сунбуланинг тиниқлиги кўкламда нетсин
Ҳеч ким бундай шифо, дала-туза етолмас.

Бош устида шийдам шохлар сирли мунглиниб
Пойингизга сориғ гилам ёза етолмас.

Ҳеч ким мендек Сиза ҳар зум жон сувн тутиб
Умр бўйи елкасида кўза, етолмас.

3. VIII. 92

Бўзлаётган жоним қуши

Сел, ел тинар, маним нолам тинармукин
Ва ё нолам фақат ўзни тирнармукин?

Шўр сувлардан шўрроқ кўзим ёшларидан
Ер суғорсам, бирор гнёҳ унармукин?

Бир ёруғ кун кўрарманми бу дунёда
Ё дун ҳануз иродамни синармукин.

Ё дунёнинг бор олғири ҳануз яшнаб
Камбағалнинг йиртиқ тўнин тунармукин.

Ҳануз етим гўдак «нон» деб йиғлаганда
Қўлчасига қаттиқ тошлар қўнармукин?

Болалари воз кечганлар йиқилмасму
Даврон аларга ҳам асо йўнармукин?

Оналари воз кечганлар... меҳр кўрмай
Оҳ қўрқаман, қашқирларга дўнармукин?

Ё одамизоднинг қиёмат куни яқин
Келар чоғда шуур шундай сўнармукин?

Нақ бўғзимда бўзлаётир жоним қуши
Қақшаб «Бас қил», дейман қушим кўнармукин?!

7. VIII. 92.

Бир кун... ғов йўқ йўлимга

Айтманг дейман, гап уқмас
Гуллар, келиб айтади.
Эгри из босилганин
Йўллар келиб айтади.

Сўзламасдай туюлган
Сезилмасдай туюлган
Менга мослаб қуюлган
Ғуллар келиб айтади.

Орқамда тираб наган
«Ҳолинг кўрамиз» деган
Олдимда титрайдиган
Қўллар келиб айтади.

Қай бой менга ғам бичган
Қутурган итин ечган
Нону-тузимни ичган
Қуллар келиб айтади.

Бир кун... ғов йўқ, йўлимга
Кетарканмиз ўлимга
Кул қилмишин кулимга
Куллар келиб айтади.

7. VIII. 92.

Меҳмондир

Одам ўғли бу дунёга меҳмондир.
МАҲТУМҚУЛИ.

Меҳмон эрур — асли дунёда бари
Ранги сориғ кузак бизга меҳмондир
Юракка меҳмондир ғалаёнлари
Тизингдаги мадор тизга меҳмондир.

Беш кунликдир бу дунёнинг ёруғи
Ерга тушгай бул кун кўкдаги туғи
Кетмоқ учун кўрар йўл тадоригин
Қарға, қийғир дала-тузга меҳмондир.

Ғам келса ҳам қуйиб ича берингиз
Тириксиз-ку, суйиб ича берингиз
Тўзим тўнин кийиб ича берингиз
Ахир кўзда жола, кўзга меҳмондир.

Тилсиз бўлса ҳам-ки мунглиғ онангиз
Санча берманг кўксига тиғ, таънангиз
Унинг бағир, қўрғонида тунангиз
Оҳ, бу қўрғон болам, Сизга меҳмондир.

Гарчанд бу кун булбулнинг бир туриман
Эсаётган шамолнинг ҳур-ҳуриман
Кетаётган оналарнинг бириман
Маним аччиқ нолам Сизга меҳмондир...
Меҳмон эрур асли дунёда бари...

4. VIII. 92.



Йиғладим, художон

Йиғладим, художон, карамнинг кенгдир,
Бир интиқ сўзимни бер деб йиғладим.
Бағрим қоқ, қақраган замнинга тенгдир
Бир кўкат бер, битта шеър деб йиғладим.

Заҳардан сув ичган тупроқ ўлгандир
Одам қуриб, чўккан, хўпроқ ўлгандир.
Ўлмагани мендан кўпроқ ўлгандир
Битта қарич тоза ер деб йиғладим.

Туркий қавм бир-бирин қириб-у, қийиб
Яшаркан, юрмаймн хазонлиғ кийиб
Бу дардлардан гўрда ётаркан куйиб
Бобо Темур нима дер деб йиғладим.

Ёнимда, қонимда у келмакдадир
Балки оғир оёқ келинчакдадир.
Ҳар қалай турк қони қачон тўхтади—
Келиб ғамимизни ер деб йиғладим.

Мен бир турк онаси, бир мунглиғ хаёл
Турк учун йиғладим қаддим бўлиб дол
Туркка Тўмарисдай бир ёвқур аёл,
Туркка Темурдай бир эр деб йиғладим.
Йиғладим, художон, карамнинг кенгдир...

3. VIII. 92.

Илтижом шу...

Худо, бандам десанг осий қулингни
Ўзимдан пастларга интизор қилма.
Қилдай кўрсат йўлимдаги қилингни
Қилларингни сиртмоқ қилма, дор қилма.

Йиғлаб айтган ҳаёнларим етарли
Тошдай кўнгли аёнларим етарли
Рақибларим, чаёнларим етарли
Оллоҳ, оллоҳ дўстларимни мор қилма.

Бир қўл суйди қизилини юзимнинг
Кўзга суртди ҳорғин-ҳорғин изимни
Кетар чоғим шу қўл ёпсин кўзимни
Бошқа бахтдан энди бахтиёр қилма.

Ишқин гулдай осиб юрсин болалар
Изимизни босиб юрсин болалар
Бизларга муносиб юрсин болалар
Алар ўтар йўлакларни қор қилма.

Дилда ўсиб, нураб юрган бойлигим
Бор дунёдан сўраб юрган бойлигим
Иймонимга ўраб юрган бойлигим
Турк элимни шафқатинга зор қилма.

Бор юмушим битиб, кетар маҳалим
Нурай-нурай йитиб кетар маҳалим
Сўрай-сўрай ўтиб кетар маҳалим
Илтижом шу: «Туркистонни хор қилма».

5. VIII. 92.

Кўриб ёздим...

Мен йўл кўрмай, ёзмам, ҳали
Ёзаримиз кўриб, ёздим.
Авжи қизиб бораётган
Бозоримиз кўриб ёздим.

Ҳали гул бўламиз қанча
Қурриб, кул бўламиз қанча
Кўксимизга тегар ўқлар
Озоримиз кўриб ёздим.

Эй рақибим, суриб ётар
Кун ҳам ботар, ой ҳам ботар
Бир кун туркни қўриб ётар
Мозоримиз кўриб ёздим.

3. VIII. 92.

Бу шамоллар баланд дорга осилмас

Ёу ўткинчи-ю ғар, ғайри шамоллар
Йўлин топиб қўлдан, кўлдан уради.
Бу дили-ю тили айри шамоллар
Сиймтан қизларни йўлдан уради.

Наҳс из қолар йўлни қайга бурсалар
Қай пок хилқатларга босиб кирсалар
Бу фосиқлар билмас, нени урсалар
Узларин туққан шу элдан уради.

Қўнгиллари ириб, эгалари йўқ
Бевалар қолдириб эгалари йўқ
Мевалар қолдириб эгалари йўқ
Миллатни қоқ жондан, белдан уради.

Бу шамоллар баланд дорга осилмас
Ўзидан юксакроқ дарахтдан юлмас
Бу номард шамоллар урса кетиб паст
Ўзидан ожиздан, элдан уради.
Бу ўткинчи-ю, ғар, ғайри шамоллар...

6. VIII. 92.

«Мустақиллик йўли — истиқбол йўли» байрам йўқламаси

• САМАРҚАНД

Биз Ленининг «Инқилоб у юртдан бунисига кўчирилмайди» деган гапини кўп бор такрорладигу, аммо Россияда рўй берган инқилоб «юкини» 70 йил давомида ўлкамизга ташидик. Аввалига нонимиз, ошимиз, оладиган буюмларимиз янгича бўлди, кейин эса турмушимиз, ҳаёт тарзимиз, ҳатто урф-одатларимиз ўзгарди. «Ватан остонадан бошланади» деган нақлни айтишга уялиб қолдик.

Хайриятки, юраклар портлаб кетди. Сархад билмас калима бизнинг забонда ҳам янгради. Отасига раҳмат, шу ишга фотиҳа берганнинг. Шукрлар бўлсин, ўзлигимизни танидик, ўзлигимизни эсладик, ўзлигимизга ишондик. Ана шу ишонч туфайли қалбимизда ватанпарварлик туйғуси жўш ураётир.

САРҲАД БИЛМАС КАЛИМА

Келинг, яхшиси муддаога ўтай, Хўш, мустақиллик Самарқандга нима берди?

Авваламбор, у қалбимизга нур, вужудимизга жўшқинлик, ақлимизга теранлик, фикримизга салмоқ, турмушимизга зийнат бахш этди. Лўнда қилиб айтадиган бўлсам ҳозир барчамиз мустақиллик туйғусидан сармастмиз. Аниқроқ айтсак...

Гарчи иқтисодий муносабатлар мураккаблашган бўлса-да, бу соҳада халқаро майдонга чиқдик. Бугунги кунда вилоятимизда чет мамлакатлар фирмалари билан ҳамкорликда 30 та қўшма корхона ишлаб турибди. Ўзбекистон миллий банкининг Самарқанд бўлими очилди. Туризм тўғридан-тўғри ўз қўлимизга ўтди. Шу ўринда бу кўҳна шаҳар Буюк Ипак йўлининг юксак даражадаги тижорат ва маданият бекатларидан бири бўлганлигини унутмаслигимиз керак.

Тўғри, собиқ Иттифоқ барбод бўлгач, Ғарбдан хом ашё олиб турган корхоналар ишида узилиш рўй берди. Лекин ҳозир уларнинг кўпчилигида маҳаллий хом ашёлар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Цемент, оҳак, бўёқ, мих... тайёрлаяпмиз. Яқинда пайвандлашда ишлатиладиган карбид яратдик.

Деҳқоннинг косаси ҳам оқарди. У уй-жойли, томорқали бўлди. Энди хўжаликлар катта миқдордаги маҳсулотларини шартнома асосида ҳатто жаҳон бозорига олиб чиқмоқдалар. Қишлоқларда тегирмон ва мойжувозлардан ташқари гилам, атлас, шойи ва бошқа қимматбаҳо матолар тўқийдиган цехлар очилаяпти. Ҳозирги пайтда мавжуд корхоналар ҳисобидан қишлоқ хўжалиги учун ихчам техника воситалари тайёрлайдиган марказ яратиш ҳаракатидамиз. Шуни таъкидламоқчиманки, бу ишларнинг барчасини қалб амри билан ўз эҳтиёжимиздан келиб чиқиб, ҳеч қандай буйруқсиз амалга ошираяпмиз. Мустақиллик шарофати бу!

Йўқ бўлиб кетаётган қадриятлар яна турмушимизга қайтиб келди. 18 та масжид ва мадрасалар диндорлар тасарруфига берилди. Маҳалла қўмиталари ва қишлоқ оқсоқолларига имтиёзлар яратилди. Миллий ном олган кўчалар, гўшалар, хиёбонлар ва маҳаллаларга файз кирди. Марказий майдоннинг Кўксарой номи тикланди. Унинг эски шуҳратини, қиёфасини тиклаш чоралари кўрилаётир. Айтгандай Самарқанд атрофида Амир Темур ва Улуғбек яратган қадимий боғларни қайта тиклаш ҳам ниҳоясига етди. Энди фақат уларни асраб-авайлашимиз зарур.

Чет эллик ишбилармонлар шаҳримизга фақат сайёҳ сифатида эмас, балки тижорат масалалари бўйича ҳам ташриф буюрмоқдалар. Деярли ҳар куни ана шундай делегациялар билан мулоқотда бўламан. Яқинда Оға Хоннинг ўзи Улуғбек маданият маркази лойиҳаси танлови ғолибларига мукофотни бериш учун Самарқандга ташриф буюради. Мустақиллик шарофати бу!

Яшириб нима қиламиз: баъзи минтақаларда нотинчлик ҳукм сурмоқда. Бизда осойишталик барқарорлигига шукурлар қиламиз, меҳру оқибат орамиздан кўтарилмасин. Самарқандда юздан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари истиқомат қиладилар. Улар мустақиллик силсиласида биродарларча, ҳамнафас қадам ташламоқдалар. Шаҳардаги бешта миллий-маданий марказ барча самарқандликларнинг бебаҳо бойлигига айланди.

Етмиш йил давомида марказдан буйруқ, кўрсатма кутиб ўрганиб қолган эканмиз. Шу боисдан мустақиллик қадамларида депсиниш лар ҳам бўлиб турибди. Айниқса, қонимизгача сингиб кетган маҳкамачилик, қоғозбозликдан қутулиш осон кечмаяпти. Аммо халқ ўз йўлини топиб олди. Гарчи бу йўлнинг машаққатлари кўп бўлсада, у бизни нурли манзилларга элтади. Бунга ишончимиз комил.

Пўлат АБДУРАҲМОНОВ,
Самарқанд вилояти ҳокими.



Таъриф ҳаҳонга кетган Самарқанд-у Бухоро...

С. МАҲКАМОВ олган суратлар.



• БУХОРО

Мустақиллик байрами арафасида Бухоро вилояти ҳокими Д. С. ЕДГОРОВга бир неча савол билан мурожаат этдик:

— Дамир Солиҳович, Ўзбекистонинг мустақиллиги бухороликлар ҳаётида қандай ўзгариш ясади?

— Кейинги бир йил мобайнида турмушимизда содир бўлган катта ўзгаришлар томчида қуёш акс этганидек бухороликлар ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Мустақиллик туфайли барча ўзбекистонликлар қатори бухороликлар ҳам ўзлигини англашди, минг йилликлар мобайнида шаклланган миллий ва маданий қадриятларини қайта тиклашга киришишди. Шаҳар азалдан байналмилалчилар макони бўлган. Бу унинг Буюк ипак йўли чорраҳаларидан бирида жойлашгани билан ҳам боғлиқ, албатта. Бу ерда ўзбек

УЛУҒ НЕЪМАТ

лар ва тожиклар қатори кўплаб форслар, араблар, яҳудийлар, татарлар ва яна ўнлаб миллат вакиллари аҳил яшаб келганлар.

Айни маҳалда вилоятда 80 дан зиёд миллат ва элат вакили турмуш кечирмоқда. Улар тинч ва осойишта яшаш учун вилоят ҳокимлиги барча ишларни қилмоқда. Вилоятда тожик, корейс, яҳудий, қрим-татар, рус, турк миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатаяпти. Улар атрофига уюшган фаоллар саъйи-ҳаракати билан миллий ва маданий мерос қайта тикланмоқда, хориждаги ватанпарварлар билан алоқа ўрнатилиб, ишбилармонлик кўрсатиш учун кенг имкониятлар вужудга келтирилаяпти.

— Бундай ишбилармонлик амалда қандай намоён бўлаяпти?

— Масалан, яқинда турк миллий-маданий маркази ташаббуси билан Бухоро билан биродарлашган Измир ишбилармонлари ҳамкорликда «Измир-Чинакалла» кичик корхонаси тузишди. Худди шу марказ терини қайта ишлаш ва яна бир қатор соҳалар бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш тараддудида.

АҚШ, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Исроил, Болгария ва яна бир қатор мамлакатлар ишбилармонлари билан ҳамкорликда барпо этилаётган қўшма корхоналар тез орада аҳоли учун зарур дори-дармон, озиқ-овқат, алоқа ва телевидение воситалари, бошқа кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга киришишди.

Буларнинг ҳаммаси вилоят ҳокимлиги ишлаб чиққан «Биримиз икки бўлсин!» ҳаракат дастурида ўз аксини топган. Мазкур дастурга асосан йил охиригача вилоят аҳолиси учун бошқа минтақалардан 1 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот харид қилинади ёки айирбошланади. Шу мақсадда ҳорижий давлатлар билан бир қаторда Россиянинг Кострома, Тюмень, Ульяновск, Украинанинг Черновци, Туркманистоннинг Чоржўй вилоятлари билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Бозор иқтисодиётига кўчишнинг жуда катта қийинчиликларига қарамай, ўз саноат корхоналаримизда ҳам иш маромини сусайтирганимиз йўқ. Бу суръат ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саккиз фоиз оширилди. Йил охиригача 10,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутиляпти.

Мустақиллик йили деҳқончилигимиз учун ҳам серҳосият келаяпти. Ўтган йили вилоят қишлоқ хўжалиги 417 минг тонна пахта, 4 минг тонна пилла, 75 минг тонна сут, 210 минг дона қоракўл тери. 2 минг тонна жун топширди. Қишлоқ хўжалигидан олинган даромад 1 миллиард 318 миллион сўмни ташкил қилди. Бу олдинги йилга нисбатан 760 миллион сўм кўпдир.

Бу йилги дастлабки натижалар ҳам дуруст. Пиллакор ва ғаллакорларимиз муваффақиятлари қувонарли. Баҳор қанчалик оғир келмасин пахтачилик, чорвачилик, мева ва сабзавотчилик натижалари баракали бўлиши шубҳасиздир.

Биз қишлоқ хўжалигининг истиқболи фермерчилик ҳаракатида деб билаяпмиз. Таҳлил улар давлат ва жамоа хўжаликларига нисбатан гектар бошига икки баравар зиёд гўшт ва ўн баравар кўп сут етиштираётганликларини кўрсатмоқда. Вилоятда бундай хўжаликлар сони 2,5 минг тага етиб қолди, улар йил сайин кўпайиб боради.

— Бухоронинг қадимий шуҳратини қайтариш, Шарқдаги йирик марказлардан бирига айлантириш учун нима иш қилинаяпти?

— Ҳар гал ҳорижда бўлганимда Бухоро шариф номи нақадар катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинишини эшитиб қалбим ифтихорга тўлади. Ҳозир ЮНЕСКОда Бухорога жаҳоний мерос шаҳарлари мақоми берилиши учун ҳужжатлар мавжуд. Шундай бир вазиятда унинг юбилейига ҳозирлик кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Етмишинчи йилларнинг бошида раҳматли Қаюм Муртазоевнинг ташаббуси билан мана шу масала кўтарилган эди. Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг Яҳё Ғуломов раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи қадимий Шаҳристонда қазишмалар олиб бориб, унинг умри Самарқанднинг ёшига тенглиги тўғрисида илмий хулоса чиқаришган. Академия раёсати бу тўғрида тегишли қарор қабул қилган эди. Энди бўлса айрим олимларимиз бу хулосани инкор этишга уринишмоқда.

Қандай бўлмасин, яқин келажакда Бухоро мустақиллик шарофати билан жаҳондаги қадимий шаҳарлар шажарасидан ўзига муносиб ўринни эгаллаши шубҳасиздир.

Суҳбатдош: Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАҚСАД—ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

Мустақиллик ҳақида қанча кўп ва яхши гапирмайлик, биз давлатимизнинг асоси, бошқарув тизими, ҳуқуқ нормалари хусусида ўйлашга мажбурмиз. Чунки бугунги эҳтиросларнинг ширин туйғулар халқаро муносабатларда ҳуқуқий кучга эга эмас. Шу боисдан мен Олий Кенгаш ёрдамида барча Қонунлар мажмуасини яна бир карра кўриб чиқиш, йўқларини эса қабул қилиш керак, деб ўйлайман. Халқаро майдонга чиқаётган эканмиз, қонунлар лойиҳасига илғор ҳуқуқий давлатлар қонуншунослигидан андоза олсак хато қилмаймиз.

Тарихини билмаган халқ уни яна бошдан кечиришга маҳкумдир, деган нақл бор. Сиёсат бобида ҳам биз ота-боболаримиздан ўрганса арзийди. Нима учун энди Амир Темурнинг давлат бошқаруви сиёсатидан намуна олиш мумкин эмас! Ахир ундан бутун Оврупо ўрганган-ку! Энг муҳими, бу сиёсатлар халқ ҳаётига, турмушига яқин.

Зиёдулла МУҚИМОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

ҒИЖДУВОН ҚАНДОЛАТИ

Мустақиллик шарофати билан миллий ҳунармандчиликни кенг ривожлантириш учун йўл очиб берилаяпти. Ғиждувон азалдан оғизга солсангиз эриб кетадиган ҳолвалари билан машҳур бўлган. Заводимиз меҳнат жамоаси қандолатчилик сирларини қайта тиклашни ўз олидига мақсад қилиб қўйди.

Ҳозир ўндан зиёд турдаги ширинлик ишлаб чиқараяпмиз. Бахтиёр Очилов, Обид Мадинов, Нафитдин Камолов сингари ҳолвапазларимиз «Обидандон», «Парварда», «Ҳалвойи лафз» — кунжутлик ҳолва сингари маҳсулотларни юқори сифат билан ишлаб чиқаришмоқда.

Қандолатчилик маҳсулотлари билан нафақат ўзимизнинг шаҳар, вилоят ва кўпчилик туманларнинг меҳнаткашларини ҳам таъмин этишга ҳаракат қилаяпмиз. Шу йилнинг ўтган даврида деярли 100 минг сўмлик шундай маҳсулот истеъмолчилар дастурхонига тортиқ этилди.

Мақсадимиз бозор иқтисодиётига кўчиш, мустақил республикамизнинг иқтисодий қудратини шакллантириш даврида ҳам меҳнаткашларни арзон ва сифатли ширинликлар билан таъмин этишдир.

М. ТЎЕВ,
Ғиждувон яҳна ичимликлар заводи қандолатчилик вилоят матлубот союзи цехи устаси.

● **НАРПАЙ район ҳокимлиги ва Халқ демократик партияси район Кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган кўча байрамлари одамларга ёқиб қолди.**

КЎЧА БАЙРАМЛАРИ

Қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш, миллий ўрф-одатларимизни тарғиб этиш, қадриятларимизни улуғлаш мақсадида уюштирилаётган бундай тадбир меҳр-оқибатни яхшиланишига имкон бермоқда. «Ғалаба», Навоий, Ибн Сино, Бобур ва Улуғбек номли хўжаликларда бўлиб ўтган кўча байрамлари, айниқса, кўнгилли нишонланди.

Анвар ХУДОЙҚУЛОВ.

Куни кеча газетамиз таҳририятига тўқсон ёшни қоралаган нуроний отахон Шариф Ражабов кириб келдилар. У киши журналистларни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан муборакбод этдилар.

Шариф ота Тошкентнинг Акмал Икромов районидаги Дархон маҳалласи, Нашриёт кўчаси, 168-уйда истиқомат қилар эканлар. Пири-бадавлат бу нафақахўр отахон

БОБОНИНГ ҲИКМАТ ИЛА ҲИММАТИ

ўқитувчилик қилиб, толиби илмларга тарих ва география фанларидан қирқ йил сабоқ берганлар.

Отахон жонажон диёримизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ҳисоб счётига бир ойлик нафақаларидан пул ўтказибдилар.

— Аввало, шу кунларга етказганига шукр. Қолаверса, шарқона одобимизга кўра савобдан қуруқ қолмай деган одам хайрия қилгани ва унинг қанча эканини бировга айтиши лозим кўрилмайди, — дейди Шариф бобо. — Ҳадиси шарифда эзкор этилишича, бундай ҳаракат манманликка йўйилиб, савоби куфр бўлади.

Биз журналистлар ҳам улуг аём арафасида табаррук инсоннинг улуг дуоларини олиб, у кишига чин дилдан тан-сиҳатлик тиладик.

Фароҳат НИЗОМОВА.

УЛЬЯНОВ РАЙОНИДАГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ СОВХОЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИНИ ҚАТТА ТАЙЕРГАРЛИК БИЛАН ҚУТИБ ОЛМОҚДАЛАР

ЭРКИМИЗ— ЎЗИМИЗДА

Ҳар бир ишнинг ўз сардори бўлади. Зикриё Асроров ҳам шундай кишилардан. У кўпни кўрган, тажрибали раҳбар. Иқтисодчи ихтисосига эга бўлганиданми, кўпроқ иқтисодиёт билан шуғулланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Алишер Навоий номли давлат хўжалиги миллионер хўжаликка айланди. Буни амалга оширилаётган ишлардан, қўлга киритилаётган ютуқлардан сезиш мумкин.

— Уч йилдирки, хўжалик директорлигидек масъулиятли ишни қўлимдан келганча адо этаяпман, — дейди З. Асроров. — Асли шу ерликман. Иссиқ-совуғимиз, тўй-маъракамиз, қувонч-ташвишларимиз бир.

Мен хўжаликнинг олдинги раҳбарлари ёмон ишлаган деган даъводан йироқман. Энг муҳими, улар ҳам ўз даврида жонбозлик кўрса тишган. Лекин минг афсуски, яқин-яқинларгача энг чекка қишлоқлару, даш-биёбонлар, тоғу-тошларгача нима экиш кераклигини марказ кўрсатиб келди. Қанчаданқанча яшнаган боғлардан, қишлоқлардан айрилдик. Шароит ҳисобга олинмай режа белгиланди. Омади чопганлар топшириқни бажариб юрди. Бажаролмаганлар эса таъна-дашномларга қолди. Хуллас, деҳқонга иш буюрувчи хўжайин ниҳоятда кўп эди. Ҳали у, ҳали бу келиб билиб-билмай ишларга аралашар, турли даражадаги текширувчилар бўлар бўлмас маслаҳатлар беришарди. Кабинетда ўтириб телефон қўнғироғини кутардик. Яна қандай мажлисга чақиришаркин, районгами ёки вилоятгами, нима дейишаркин, деб.

Шуларни ўйлаганимда эркинлик, мустақиллик шароитида меҳнат қилиш нақадар қимматли эканлигини ҳис қилиб турибман.

Давлат хўжалигида амалга оширилаётган ишларни кузатдик. Аҳолига уй-жой қуриш ва томорқа учун ер, шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ем-хашак бериш ишлари тўғри ташкил этилмоқда. 360 хонадонга суғориладиган майдон томорқа участкаси ажратилди. Президент Фармонига биноан давлат хўжалиги қишлоқларининг 80 фоизи ичимлик сув билан таъминланди. 300 хонадон газлаштирилди. 18 нафар ўқитувчи, мактабгача тарбия муассасаси ходими, 5 нафар чорвадор, 8 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчисига уй-жой бепул берилди. 110 та уй-жой арзон нархда сотилди.

— Уч йилдан бери Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан 22 нафарига ҳар ойда 2 килограммдан гўшт, 30 донадан тухум ва бошқа маҳсулотлар бепул бериб келинмоқда.

— Буларнинг ҳаммаси меҳнат аҳлининг руҳиятини кўтариб, ғайратини оширмоқда, — дейди директор.— Бултур хўжалигимиз бўйича ҳар гектар ердан 31,5 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олгандик. Бу 1989 йилга нисбатан 7,4 центнер кўп. Бошқа тармоқларда ҳам яхши натижалар қўлга киритилмоқда.

Қишлоқларимизда иккита мойжувоз, 2 та тегирмон ишлаб турибди. Айни пайтда аҳолига етарли миқдорда хашак, онла бошига 150 килограммдан арзон нархда дон бериляпти.

Директорнинг фахрланганича бор. Ҳар бир бош мутахассиснинг ўз эрки ўзига берилган. Улар мустақил иш юритиб зиммаларига юклатилган вазифани сидқидилдан адо этмоқдалар. Бош ҳисобчи Бобохўжа Қораев сарф-харажатлар меъёрида эканлигини, бош ҳосилот — Абдуқодир Мақсадов мавжуд 2828 гектар ердаги ғўза ва бошқа экинлардан бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирилаётганлиги бош муҳандис Зикриё Омонов ремонтдан чиққан 75 та терим агрегати билан бу йил режадаги пахтанинг 95 фоизини териб олиш мўлжалланганлигини ҳикоя қилишди.

Қишлоқларда кўплаб уй-жойлар, маданий-маиший бинолар барпо этилмоқда. Тошқудуқ, Ленинизм, Қорахўжа қишлоқларида фельдшер акушерлик пункти, Қоратепа қишлоғида амбулатория, хўжалик марказида болалар поликлиникаси, маиший хизмат уйи, чойхона, соғломлаштириш пунктлари, сауна қурилди. 5 миллион сўм маблағ сарфланиб қишлоқлараро бетон ариқ ўтказилди, шахсий томорқалар учун оқар сувлар келтирилди. 40 километр йўл асфальтланди.

— Булар ўз-ўзидан бунёдга келмаяпти, — дейди хўжалик раҳбари. — Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига биноан ўзимизда қолдирилган 550 тонна пахта толасини 8 миллион сўмга сотдик. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан қўшимча келган даромаддан олинадиган солиқлар бекор қилинганлигидан ҳам 20 миллион сўм фойда келди. Шу ҳисобдан фаровонлик яхши. Даромад ҳисобидан йилига 5 миллион шартли банка консерва тайёрлайдиган консерва заводи қурилишини ҳам бошлаб юбордик. Лекин муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Ҳали қишлоқларни тўла газлаштиришга эришолганимиз йўқ. 190 километр ҳажмда пўлат қувур керак бўлади. Бунинг учун кам деганда бизга 500 миллион сўм маблағ керак. Албатта бу муаммолар ҳам яқин йилларда ҳал этилади.

Бугунги кунда совхоз меҳнат аҳли Мустақиллик байрамининг бир йиллигини меҳнатда муносиб туҳфалар билан кутиб олмоқда. Қишлоқларда байрам шодиёналари бошланиб кетди. Байрам муносабати билан совхоз дирекцияси 84 нафар қаровчисини йўқотган оила, ногирон кишиларга 50 килограммдан ун, 10 килограммдан ёғ, 5 килограммдан гўшт ва 30 донадан тухум бепул берди.

Мустақиллик байрами муносабати билан бугун меҳнат фахрийларига бепул зиёфат ташкил қилинади ва уларга эсдалик совғалари топширилади. 30 август куни каттагина чойхона, Алишер Навоийга ўрнатилган ҳайкал, маданият саройи ва иссиқ нон комплекси бинолари очилади.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Байрам шукронаси*

МИННАТДОРМАН

Мен кекса бир кишиман. Ёшим саксонга яқинлашиб қолди. Узоқ давр мобайнида Ўзбекистон тенглар ичра тенг республика, деб келдик. Аслида тенг эмас, катта оғаларга қарам эканмиз. Буни мустақиллик эълон қилингандан сўнг ўтган бир йилда ўз ишларимизни ўзимиз ҳал қила бошлаганимиздан кейин янада чуқурроқ идроқ қилдик.

Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиққан, халқимизни ёруғ кунларга етаклаган Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобини ўқир эканман шуларни ўйладим. Дарҳақиқат, республикамизнинг чинакам мустақилликка эришуви ҳаммамизда келажакка катта умид уйғотди. Раҳбаримизнинг сўзи билан ишининг бирлиги бунга асос бўлади, албатта.

Ўзингиз ўйланг. Ҳозир энг сиёсий барқарор мамлакат қайси? Ўзбекистон. Одамларга амалда қаерда кўпроқ ғамхўрлик қилиняпти? Ўзбекистонда. Келажак ниятларни, орзу-умидларни рўёбга чиқариш учун қаерда кўпроқ имконият бор? Ўзбекистонда.

Ҳа, булар қуруқ сўзлар эмас. Бор гаплар. Одамларга тобора ғамхўрлик қилинаётганлиги, ойлик маошлар, нафақалар имкони борича оширилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далили.

Ўзим биринчи группа ногиронман. Қўлтиқ таёқсиз юролмайман. Президентимизнинг қарорлари билан белгиланган имтиёзлардан баҳрамандман. Район ташкилотлари ҳолимдан хабар олиб туришибди.

Бу меҳрибончилиги учун аввало Ислом Каримовдан миннатдорман. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир пок виждонли аҳолисининг фикри шундай, деб ўйлайман. Ёруғ кунингиз, порлоқ эртангиз, келаётган истиқлол байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Маматхон ТЎЛАКОВ,
Акмал Икромов райони.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

- ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА
- ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР
- ИСТИБДОД ЗУЛМАТИДАГИ ЮЛДУЗЛАР
- ФЕРМЕР У. ШОЙИМОВ: «МЕНИ МИЛЛИОНЕР ДЕЙИШАДИ»
- «ПОДПОЛКОВНИК НЕГА ИШДАН ОЛИНДИ» МАҚОЛАСИ МУШТАРИЙЛАР ЭЪТИБОРИДА
- «ШАКАР ОПЕРАЦИЯСИ» (ФЕЛЬЕТОН)

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 23.00.
№ 170. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.